



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Олтиариқ тумани
Хокими ўринбосари
К.Тожиев
“ 01 ” 08 / 2022 й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Фарғона-2022 й

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Қизилтепа МФЙ ҳудудига намунавий қурилган уй-жойларда истиқомат қилаётган аҳолини электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш ишларини лойиха асосида бажариш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати ҚҚС билан 388 218 558 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Олтиариқ тумани ҳокимлиги** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилоят, Олтиариқ тумани

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва

бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга, ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Олтиариқ тумани
Хокими ўринбосари
К.Тожиев
“ 01 ” “ 08 ” 2022 й

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Қизилтепа МФЙ ҳудудига
намунавий қурилган уй-жойларда истиқомат қилаётган аҳолини электр
узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш ишларини лойиха
асосида бажариш

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1.	Объект номи	Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Қизилтепа МФЙ ҳудудига намунавий қурилган уй-жойларда истиқомат қилаётган аҳолини электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш.
2.	Объектни жойлашуви	Олтиариқ тумани Қизилтепа МФЙ
3.	Лойихалаш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 март кунги ПФ-6186- сонли Фармони, Фарғона вилояти ҳокимининг 2022 йил 29 апрел кунги 175-11-0-F/22- сонли фармойиши
4.	Буюртмачи	Олтиариқ тумани хокимлиги
5.	Буюртмачи манзили	Фарғона вилояти Олтиариқ тумани
6.	Иштирокчилар учун талаблар	Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Қизилтепа МФЙ ҳудудига намунавий қурилган уй-жойларда истиқомат қилаётган аҳолини электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш ишларини лойиха асосида бажариш
7.	Харид режа жадвали	2022 й. йиллик
8.	Танлов ўтказиш оyi	Август 2022 йил
9.	Танловнинг энг юқори қиймати (ҚҚС билан)	388 218 558 сўм ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кўриб чиқилмайди
10.	Молиялаштириш манбаи	Бюджет ҳисобидан
11.	Товар ва хизматлар етказиб бериш манзили шакли	Фарғона вилояти Олтиариқ тумани
12.	Товар ва хизматларни бажариш муддати	20 иш куни
13.	Таклифларни тақдим қилиш тартиби ва шакли	Ўзбекистон Республикаси қонунда кўрсатилган тартибга асосан
14.	Таклифларни тақдим қилиш муддати	5 иш кунидан кам бўлмаган муддатда